

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
«Навоий ИЭС» АЖ
Бош директори

03.04.2020 йил

К.Х.Ганиев

2020 йилни 3 оyi давомида «Навоий ИЭС» АЖга келиб тушган мурожаатларнинг қайд қилиниши, кўриб чиқилиши ва сайёр қабуллар ўтказиш ҳолатлари бўйича ўтказилган ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлили бўйича
М А Ё Л У М О Т Н О М А

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасига асосан «Навоий ИЭС» АЖга 2020 йилнинг 3 оyi давомида келиб тушган мурожаатларнинг қайд қилиниши, кўриб чиқилиши, сайёр қабуллар ўтказилиш ҳолатлари бўйича ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлили ўтказилиб, қуйидагилар аниқланди.

2020 йилни 3 оyiда “Навоий ИЭС” АЖга жами бўлиб 24та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 10таси оғзаки шаклдаги мурожаат, 13таси ёзма шаклдаги, 1таси электрон мурожаатларни ташкил қилади.

24та мурожаатлардан 24таси жисмоний шахсларнинг мурожаатлари.

2019 йилнинг 3 оyi давомида “Навоий ИЭС” АЖга жами бўлиб 41та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 14таси оғзаки шаклдаги мурожаат, 20 таси ёзма шаклдаги, 7 таси электрон мурожаатларни ташкил қилади.

Шундай қилиб 2020 йилни 3 оyi давомида 2019 йилни шу даврига қараганда **умумий мурожаатлар сони 17тга, яъни 42%га камайган.**

2020 йилни 3 оyiда қабул қилинган ва кўриб чиқилган 10та оғзаки шаклдаги мурожаатлардан Бош директор К.Х.Ганиев ҳиссасига 8та, Бош директор ўринбосарлари ҳиссасига 2та оғзаки мурожаат келиб тушмоқда.

2020 йилни 3 оyiда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган 1та мурожаатлардан 1 таси маълумотнома тузиш вақтида кўриб чиқилган ва бўйича тушунтиришлар берилган, рад этилган мурожаатлар қайд қилинмаган.

2020 йилни 3 оyiда “Навоий ИЭС” АЖга келиб тушган 24 мурожаатлардан 1таси қаноатлантирилиб, 22таси бўйича тушунтириш берилган, 1таси мазкур маълумотнома тузиш вақтида кўриб чиқиш жараёнида.

2020 йилни 3 оyi давомида мурожаатлар билан ишлаш юзасидан ўтказилган 1та ўрганиш ўтказилган ва камчилик аниқланмаганлиги сабабли тегишли ходимларга моддий жазо турлари қўлланилмаган.

Мурожаатларни масалалар кесимида таҳлили ўтказилганида, 2019 йилда иссиқлик энержиясини етказишда нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилганлиги юзасидан Ўз.Р. Президентининг Виртуал қабулхонаси ва бошқа юқори турувчи идораларга қўлаб мурожаат бўлган бўлсада, 2020 йилни 3 ойи давомида бу қаби масаладаги мурожаат қайд қилинмаганлигини кўришимиз мумкин.

Худди шунингдек, 2019 йилни 3 ойида маъмурият ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан берилган мурожаатлар сони 1 тани ташкил қилсада, 2020 йилни 3 ойида бу қаби мурожаатлар келиб тушмаган.

2019 йилни 3 ойида сайёр ва оммавий қабуллар сони 1 тани ташкил қилсада, 2020 йилни 3 ойи давомида сайёр ва оммавий қабуллар сони 2 тани ташкил қилмоқда. Шу билан бирга агарда "Коронавирус" пандемияси билан боғлиқ бўлган вазият келиб чиқмаганида, 2020 йил давомида ушбу қаби сайёр ва оммавий қабуллар сони қўпайган бўлиши мумкинлигини айтиб ўтиш жоиз бўлади.

Тизимда энг кўп мурожаатлар тушаётган масалалар таҳлили ўтказилганида, шу нарсани айтиб ўтиш керакки оммавий ва сайёр қабулларда "Навоий ИЭС" АЖнинг ишчилари томонидан уларнинг ойлик маошлари бошқа корхоналарнинг ишчиларининг ойлик маошидан камлиги эътироф этилмоқдалигини курсатиш мумкин. Бунинг сабаблари деб "Навоий ИЭС" АЖ иқтисодий жиҳатдан Республика бўйича анча ривожланган Навоий регионидан жойлашган бўлиб, бу ерда фолият кўрсатиб келаётган бошқа гигант корхоналар (НГМК, Навоийазот" Кизилкумцемент" , "Навоий ЭИЗ" қаби корхоналар)даги ишчиларнинг ойлик маошлари юқорироклигида деб изоҳлаш мумкин.

Шу билан бирга идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати борасида **жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбирлар ўтказилмаган, телевидение ва радиода, босма ОАВ (газета ва журналлар) да чиқишлар сони деярли йўқлигини кўрсатиш мумкин.**

Мазкур ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра корхона мурожаатлар билан ишлаш борасида мурожаатлар билан ишлаш аҳоли юзасидан ўрганишлар сонини кўпайтириш, мурожаатлар билан ишлашда назоратни кучайтириш, бу борада нуқсонга йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли интизомий жавобгарлик чораларини белгилаш, идора тизимида энг кўп тушаётган масалалар бўйича таҳлиллар сонини кўпайтириш, таҳлиллар натижаларига кўра тегишли идораларга **таклифлар юборишни қўпайтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбирлар ўтказиш,** мурожаатлар билан ишлаш юзасидан **жамоатчилик вакиллари олдида ҳисобот бериш, сайёр қабуллар сонини коронавирус эпидемияси ҳолати тамом бўлганидан сўнг кўпайтириш, телевидение ва радиода, босма ОАВ (газета ва журналлар)да чиқишлар сонини ошириш лозим бўлади деган хулосага келинди.**

Ушбу ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил ўтказиш давомида “Навоий ИЭС” АЖга келиб тушган мурожаатларнинг барча йиғма жилдларидан фойдаланилди ва мазкур маълумотнома Бош директор, директорлар, бўлим бошлиқларига хизма жараёнида маълумот тариқасида қабул қилишлари ва тегишли чоралар кўриб боришлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасини 4-бандига асосан веб-сайтга жойлаштирилиши учун тақдим қилинмоқда.

Маълумотномани тузувчи
Офис-менежер



И.Б.Норов